ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР: ҲАР ТУП ҒЎЗАНИ МЕҲР БИЛАН ПАРВАРИШ ҚИЛАЙЛИК. ЭКИННИ ҲАШАРОТГА ОЛДИРМАЙЛИК. ОЗИҚЛАНТИРИШ, СУҒОРИШ ВА КУЛЬТИВАЦИЯНИ СИФАТЛИ ЎТКАЗАЙЛИК!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 101 (3839). | Шанба 25 май 1968 йил | Баҳоси 2 тийин.

ШУ кунларда Ўрта Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхознинг пахта майдонларида ғўза парваришн тобора авж олдирилмоқда. Механизаторлар ўртасидаги мусобақа кун сайин қизитиляпти. Пешқадам механизатор ўртоқ С. Оқилбоев ана шу мусобақада илғорликни қўлдан бермаётир. Суратда: ўртоқ С. Оқилбоев.

Н. Тўраев фотоси.

ПИЛЛА ДАВЛАТГА

БЕКОБОД (телефон орқали олинди). Район пиллачилари бу йил қурт боқиш учун обҳавонинг ноқулай келганига қарамай, зарур бўлган барча тадбирларни ўз вақтида оқилона амалга оширганликлари сабабли пилла қуртининг озуқа базаси — тутлар сербарг бўлиб ривожланди. Пиллачилик звеноларининг аъзолари ипак қуртларини соғлом ўсиши учун курашдилар. Хоналар ўз вақтида тайёрланди ва бу ердаги ишлар сифатли бажарилди.

Кеча бекободликлар йиллик планнинг 14,2 процента миқдорида пилла топшириб, ғолибликни қўлга киритдилар. Бу соҳада райондаги Ленин номли колхоз аъзолари айниқса ғайрат кўрсатмоқдалар. Кечаги кунгача бу хўжалик пиллачилари йиллик планни 67,2 процент миқдорида адо этдилар. Шу колхознинг аъзоларидан К. Холмирзаева, А. Ўринбоева, Х. Мирзаева ўртоқлар пилла топшириш планини муваффақиятли адо этганликлари тўғрисида рапорт бердилар. Бу звеноларнинг ҳар қути уруғидан ўртача 95 — 100 килограммдан юқори сифатли пилла терib олинди. Шунингдек, «Коммунизм» колхозининг ўрток Х. Қосимова бошлиқ звено аъзолари ҳам яхши ютуқни қўлга киритдилар. Бу звенода биру чорак қути уруғдан 118 килограмм пилла топширилди.

Райондаги Навоий номли, «Коммунизм», «Победа», колхозларининг аъзолари ҳам пилла топшириш суръатини кун сайин кучайтирмоқдалар.

Бекободликлар йиллик пилла тайёрлаш планини май ойи ичи муваффақиятли адо этиш учун ҳаракат қилмоқдалар. Уларнинг бу ишида муваффақиятлар тилаймиз.

ИҚТИСОДЧИЛАР КЕНГАШИ

ЎЗГАРИШ. («Тошкент ҳақиқати» мухбиридан). Яқинда бу ерда Калинин районн иқтисодчиларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашга колхоз ва совхозларнинг иқтисодчилари, бухгалтерлари, шунингдек хўжалик ташкилотларининг мутахассислари иштирок этдилар.

Кенгашда меҳнатни ташкил қилиш, ҳақ тўлаш, ҳисоб-китоб ишларини яхшилаш ва звеноларда хўжалик ҳисобини такомиллаштириш масаласи кенг ва атрофлича муҳокама қилинди. Бу ҳақда район ишлаб чиқариш бошқармасининг иқтисодчиси Неъмат Саъдуллаев доклад қилди.

Кенгаш қатнашчилари Оржоникидзе номли колхозда меҳнатни ташкил қилиш ва ҳақ тўлашда катта ишлар амалга оширилганлигини алоҳида қайд қилдилар. Бу ерда экинлар картаси йириклаштирилган. Ҳар бир картанинг шароити тўла ҳисоб-га олинган ҳолда экинлар жойлаштирилмоқда. Бу эса механизациядан янада самарали фойдаланиш имконини бераяпти.

Кенгаш қатнашчилари меҳнатга ҳақ тўлаш, ҳисоб-китоб ишларини илғорлар тажрибаси асосида йўлга қўйиш юзасидан муҳим тадбирлар белгиладилар.

Кенгашда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. А. Абдураззоқов нутқ сўзлади.

ҚУРТ ЯХШИ БОҚИЛМОҚДА

Ленин номли колхоз аъзолари бу йил она-Ватанга 25,5 тонна «кумуш тола» топширишга аҳд қилишган.

Эрта қишламдаёқ 60 гектар тутзор сифатли ҳайдалиб, эгатларга минерал ўғитлар солиниди ва суғорилди. Бу эса тутлардан унумли барг олиш учун замин бўлди. Хоналарда қурт уруғини нормал сақлаш учун яхши имкониятлар яратилди.

Барча звено аъзолари шу кунларда ўзларига ажратиб берилган хоналарда қуртларни сифатли парвариш қилишяпти. Айниқса, Носир ота Тошқўзиев бригадасида 30 қути ва Тўлаш Ғулдошев бригадасида 42 қути қурт агротехника асосида сифатли боқилмоқда. Колхознинг ипакчилик звеноларида ўз олдиларига қўйилган вазифани шараф билан бажариш учун ҳаракат қилиняпти.

Ҳ. ҒУЛДОШЕВ,
Оржоникидзе райони.

ДАЛАЛАРДАН ДАРАКЛАР

ОҚҚУРҒОН. Шу кунларда районнинг илғор хўжаликларида ғўза парвариши гобора авж олдирилаяпти. Ишбилармон деҳқонлар бу йилги шароитда ўз ишларини пухта ташкил этишга алоҳида эътибор бермоқдалар.

Свердлов номли колхознинг ўртоқ Е. Шукуров бошлиқ пешқадам звеноси пахтакорлари ширани йўқотиш ва бошқа зараркунандаларни тезда қириб ташлаш учун барча чораларни кўрмоқдалар. Улар бу йил ҳосилдорликни 30 центнердан ошириб юборишга аҳд қилишган.

Шу колхознинг А. Бобоев, С. Музаффаров ўртоқлар бошлиқ звеноларида ҳам ҳашарот ва бегона ўтларни йўқотиш, ғўза қатор ораларига намунали ишлов бериш кўнгилдагидек ташкил этилмоқда.

Райондаги К. Маркс номли, Калинин номли колхозларнинг пешқадам деҳқонлари ҳам мўл ҳосил учун бошланган курашни тобора авж олдирмоқдалар.

Қ. МАҲКАМБОЕВА,
Ш. ТУҒАТОВ.

ЎРТА ЧИРЧИҚ. 1-«Оҳангарон» совхозининг беполён майдонларида барча экинлар барқ уриб ривожланяпти. 3-бўлимнинг коммунист ўртоқ Х. Санчаров бошлиқ ем-хашак бригадаси аъзолари пичан ўрим-йиғимини бошлаб юборишлар. Бу ишда И. Элбоев, Б. Пардаев, К. Сайдуллаев, Т. Эркаев сингари ўртоқлар зўр ғайрат кўрсатишмоқда. Бригада аъзолари чорва моллари учун камида 2 минг тонна дағал хашак ва 900 тонна беда ўриб олишга аҳд қилганлар.

Т. ШЕРАЛИЕВ.

БЎКА. «Коммунизм» колхозининг кўпчилик участка ва звеноларида меҳнат авжига чиққан. Каттаю-кичик ҳар бир деҳқон кузакдаги баракали «оқ олтин» хирмонларини кўзлаб, астойдил ишлаяпти.

Айниқса, бир неча йилларидан буён пешқадамликни қўлдан бермай келаётган 2-бригада аъзолари ўзаро мусобақада ғолиб чиқишмоқда. Моҳир механизаторлардан Х. Рустамов, Х. Мамиров, Х. Усмонов ўртоқлар ўз агрегатлари билан қатор ораларини оби-тобида сифатли культивация қилиб, ўғитлашяпти. Бегона ўтларни йўқотиш ва бошқа дала ишларида колхозчилардан М. Бўлабоева, Г. Ғулдошева, М. Ваҳобова, М. Маматқулова, Қ. Ғулдошева ўртоқлар ўрнак бўлишяпти.

М. ҲАСАНОВ.

ҲАР ҚАНДАЙ ШАРОИТДА ҲАМ МЎЛ ҲОСИЛ ЕТИШТИРАМИЗ

Звеномиз деҳқонлари беш йилликнинг учинчи йилида пахтачиликни янада юксалтириш учун астойдил меҳнат қилишмоқда. Шу кунларда пахтакорларимиз ғўзани яшнатиш учун курашни қизитиб юборганлар. Биз бу йил 47 гектар пахта майдонидан мўл «оқ олтин» хирмони кўтаришга бел боғлаганмиз. Барча майдоларимизда қўчат тўла унib чиқди.

Ҳар йили дастлабки парваришда ғўзани кўндалангига ишлаб, яшил квадратлар ҳосил қилишга одатланиб қолганмиз. Бу йил ҳам шундай қилдик. Ҳозирги пайтда ғўзага ишлов беришни авж олдириб юбордик.

Культивация қилишнинг ҳам ўзига хос нозик томонлари бор. Маълумки, бу йилги баҳор иншиқ келди. Ёғингарчилик кўп бўлди. Ердаги нам керагидан ҳам кўпайиб кетди. Бундай нозик шароитда ишни омилкорлик билан бажариш деҳқон хирмонининг тақдирини ҳал қилади.

Шундай кишилар ҳам учраб турадики, улар культивацияни пала-партишлик билан тез фурсатларда ўтказишга шошилишади. Культивациянинг қандай чуқурликда ўтказилаётганлигига аҳамият беришмайди. Бундай қилиш ярамайди. Культивация ниҳоятда сифатли ўтказилганидагина ернинг бети юмшаб, тупроққа кўп иссиқлик ва ҳаво кириб, захи кўтарилади. Бунинг натижасида илдиз чириш касаллигини қўзғотувчи микроблар қирилиб кетади ва ниҳол нобуд бўлишининг олди олинади.

Культивацияда яна бир парсага жиддий эътибор бериш керак. Ишловни нормал чуқурликда, фикримча, 6—8 сантиметр чуқурликда ўтказиш яхши натижа беради. Бунда аввало, тупроқ донадорлиги яхши бўлади, ерда нам етарли миқдорда сақланади. Культивацияни ҳуда-беҳудага ўтказавериш ҳам ярамайди. Бу—ерда намнинг камайиб кетишига сабабчи бўлади. Майдоларда бегона ўтлар пайдо бўлса, тупроқ қатламлари зичлашиб қолса, культивацияни дарҳол ўтказган маъқул. Муҳими шундаки, намнинг ортиқча бугланиб кетишига йўл қўймаслик лозим.

Биз ҳозирги пайтда қатор ораларини ниҳоятда зийраклик билан культивация қилаяпмиз. Ер 6—8 сантиметр чуқурликда юмшатилаяпти. Ерда намни яхши сақлашга эришаётганимиз учун ғўзаларимизнинг авжи яхши.

Бу йил звеномиз коллективи ҳар гектар майдондан камида 32 центнердан хирмон кўтармоқчи. Она-Ватанга 150 тонна. дан ортиқ аъло сортли пахта етказиб берамиз. Ўтган йили ҳосилимизнинг 75 процента «зангори кема»лар бункерида тўкилган эди. Бу йил эса 90 процентини машиналар билан теришга аҳд қилдик.

Ватанга армуғон этаётган пахтамиз Ленин комсомолининг 50 йиллик тўйига муносиб тўёна бўлади.

Турсунқул ТЎЛАЕВ,
Оққўрғон районидаги Ҳамид Олимжон номли колхознинг комплекс механизациялашган звеноси бошлиғи.

ПАРВАРИШ ҚИЗҒИН

Механизатор йигит Шароф Аҳмедовни 2-«Далварзин» совхозининг меҳнаткашлари «далалочки» деб бежизга аташмайди.

Беш йилдан буён комплекс механизациялашган пахтачилик звеносига бошчилик қилиб келаётган бу азамат йигит «оқ олтин» ҳосилдорлигини ошириш, таннархини арзонлаштириш, механизация даражасини, айниқса машина терими даражасини юксалтириш ишига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшяпти.

Нарядсиз усулда ишлаш звенога ҳар тарафлама фойда бир центнер пахтанинг таннархи планда белгиланганига нисбатан 3 сўмга арзонлаштирилди. Машина теримининг қўлами ҳам анча кенгайтирилди.

Беш йилликнинг учинчи йилида пахта ҳосилдорлигини ўтган йилдагига нисбатан гектар бошига кам деганда 4,5 центнер ошириб, 32 центнерга етказиш максадини дилларига жо қилган звено азаматлари илк баҳордан буён далаларда жавлон урмоқдалар. Табиат қийинчиликлари мардонаворлик билан енгилмоқда. Барча майдонларга экилган чигит тўла-тўкис ундириб олинди. Ҳозирги кунларда нозик ғўза ниҳоллари деҳқон меҳрига қондирилмоқда.

Ғўза қатор ораларини майин культивация қилиш ва озиқлантиришда звено бошлиғи Шароф Аҳмедовнинг ўзи жонбозлик кўрсатмоқда. Сувчилар ҳам енг шимариб, ишга киришиб кетишди. Деҳқонлар шира ва бошқа ҳашаротларни битта қўймай қириб ташлашга алоҳида эътибор бермоқдалар.

Барча майдонларда янгача кўнгилдагидек ўтказилди. Звено сувчиларидан К. Ҳолматов, М. Тошматов, А. Бурхонов, К. Бекназаров ўртоқлар дастлабки суғоришни ниҳоятда усталик билан ўтказишга жиддий эътибор бермоқдалар. Чунки нозик ғўза ниҳоллари авайлаб суғорилмаса, шикаст еб қолиши мумкин.

Область партия комитетининг аъзоси механизатор Шароф Аҳмедов бошчилик қилаётган звено пахтакорларига зафар ёр бўлсин!

Ф. ЗИЁДУЛЛАЕВ,
Б. ХУДОЕРОВ.

ҒЎЗА ДЕҲҚОН МЕҲРИГА ҚОНЯПТИ

Йўл четидаги дарахтзор ораси чап томонга бурилдик. Узоқдан тракторнинг гуриллаган овози эшитилди. Ўша томонга юрдик. Кўз ўнгимизда пахта пайкали. Атроф ғўзал, дили қувонтиради.

Яшил квадратлар яшнаб турибди. Карта ўртасида юриб бораётган трактор қатор ораларини майин қилиб юмшатиб кетяпти. Рулни эпчиллик билан бошқараётган механизатор вақта-вақти билан орқасига қараб, ўз ишини кўздан кечиради.

Биз тракторнинг ишига разм солиб турдик. Бироздан сўнг трактор карта четига келиб тўхтади.

— Ҳорманг, Жўрақулбой,— деди бригадир.

— Саломат бўлинг, келинглар-келинглар, — Жўрақул ака трактордан тушиб биз билан сўрашди.

У билан иш тепасида сухбатлашдик.

— Ғўза парваришини бошлаб юборганимизга ҳам талайгина вақт бўлди, — деди Жўрақул ака.

Қисқагина суҳбат давомида унинг бу йилги мўлжаллари катта эканини, шунинг учун эртаю-кеч тиним билмай ишлаётганини билдик. Кўшни пайкалда қизларнинг шўх қўшиклари қулоққа чалинди. Шарофат Сайфуллаева, Муҳтарам Собирова сингари колхозчилар чим туширишяпти. Сал нарироқда эса Акром Аббосов, Азиз Чориевлар суғориш тармоқларини яна бир бор кўздан кечириб юришипти.

Ботир Фармонов бошлиқ бу участкага қарашли пайкалларда ғўза парвариши авжига чиққан. Айниқса, механизаторлар Жўрақул Майдонов ва Муҳаммад Севарқулов ўртоқлар бошлиқ звеноларда иш намунали боряпти. Участка пахтакорларининг бу йил ҳар гектар ердан олинадиган ҳосилни пландагига қараганда камида 3 центнерга оширишмоқчи.

Бўка районидаги «Партия XX съезди» колхози пахтакорлари чигит экишни муваффақиятли ўтказдилар. Яхши тайёрланган ерларга ташланган уруғ бир текис унib чиқди. Колхоз далалари яшил либосга бурканди.

Шу кунларда ғўза парвариши жадал олиб борилмоқда. Ёш ниҳолларни парвариш қилиш айниқса Б. Фармонов, С. Маманазаров, Н. Тиллаева ўртоқлар бошлиқ участкаларда кўнгилдагидек ташкил этилмоқда. Культивация билан бир йўла ғўза озиқлантириляпти.

Бу колхоз деҳқонлари шонли беш йилликнинг учинчи йилида мавжуд 1018 гектар ернинг ҳар гектаридан пландаги 19 ўрнига кам деганда 25 центнердан «оқ олтин» етиштириш мажбуриятини олганлар.

Э. УСМОНОВ.

ОЛДИНГИ САФДА

Ш. Мирзаев бошлиқ бригада аъзолари 6-трестга қарашли 33-қурилиш бошқармасининг энг илғор бинокорларидан ҳисобланади. Улар ҳозирда Чилонзор массивининг 7-«Б» кварталида 48 хонадонга мўлжалланган уй қурилишини жадаллик билан олиб боришмоқда. Биноннинг учинчи қавати монтаж қилиняпти.

Ж. Нишонов, М. Асроров, Ф. Мукаев, О. Оллоёров каби бинокорлар бригаданинг фахри ҳисобланишади. Улар доимо нормаларни 140—170 процентга етказиб бажаришяпти.

ҚЎШИМЧА МАҲСУЛОТ

Қўйлиқ қум-шағал карьери коллективи кўнгина қурилиш бошқармалари, темир-бетон заводлари, уйсозлик комбинатларини қурилиш материаллари билан таъминлаб келмоқда. Шу кунгача улар буюртмачиларга пландан ташқари 40 минг сўмдан ортиқ материал етказиб бериши.

Корхона ишчилари ўртасида В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа тобора қизитилмоқда. Ўртоқ Г. Плужников бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари юқори кўрсаткичларга эришиб, пешқадамликни қўлдан бермаётирлар. Кунлик нормаларини 120-150 процентдан ошириб адо этаётган В. Кузнецов, Н. Михайлов, И. Зезюлинский, И. Абушаев каби бригада аъзолари ҳам самарали ишлаяпти.

Карьер азаматлари беш йилликнинг учинчи йили учун оширилган мажбурият олишган. Улар йиллик планни 25 декабргача бажариб, йил охиригача қўшимча 74 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва 17 минг сўм пулни иқтисод қилиб қолишга интилмоқдалар.

А. КИМ.

ДЎСТЛИК МАРШРУТИ БЎЙЛАБ

ЯНГИЙЎЛ, 23 май. (ЎзТАГ). Ҳамроқул Турсунқулов номидаги колхоз деҳқонлари Ўзбекистонда ўтказилаётган тожик адабиёти ва санъати декадаси қатнашчиларидан бир группасини самимий кутиб олдилар.

Бу ерда ўтказилган митингда колхоз раиси Усар Жўраев бундай деди:

— Азиз тожик биродарларимиз ва сингилларимиз, ўз диёримизда сизларни кўришимиз билан бахтиёрмиз. Бу учрашув халқларимизнинг дўстлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилсин.

Янгийўл район партия комитетининг биринчи секретари А. Алимов, ўқитувчи Н. Нажимова ўз нутқларида декада қатнашчиларини самимий табриклаидлар.

Митингда Тожикистон ёзувчилар союзи правленнесининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати Мирзо Турсунзода жавоб нутқ сўзлади. Мирзо Турсунзода самимий кутиб олганликлари учун ўзбек пахтакорларига миннатдорчилик билдирди.

Меҳмонлар уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул Турсунқуловнинг ёдгорлик музейини кўздан кечирдилар, Тожикистоннинг Регар районидаги пахтакорлар билан мусобақалашаётган деҳқонларнинг ишлари билан танишдилар. Шундан кейин тожикистонлик меҳмонлар маданият саройида шоду ҳуррам — мезбонларга ўзларининг юксак маҳоратларини намойиш қилдилар.

ОҲАНГАРОН, 23 май. (ЎзТАГ). Ўзбекистон кўмир кони — Оҳангарон ишчилари Тожикистон вакилларининг бир группасини бугун азиз меҳмонлардек кутиб олдилар.

Ленин номли майдонида кўп кишн иштирокида дўстлик митинги бўлди. Митинг қатнашчилари тожик дўстларимизга янгиданянги ижодий муваффақиятлар тиладилар ва Тожикистоннинг барча меҳнаткашларига ўзларининг қардошлик салом-ини топширишни илтимос қилдилар.

Кончилар катта концерт берган тожик артистларини шоду ҳуррамлик билан кутиб олдилар.

БАЙРОҚДОР КОЛЛЕКТИВ

Чирчиқ ГЭСлари каскади ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари биринчи квартал планини ортиғи билан адо этиб қўшимча 5,5 миллион киловатт-соат электр энергиясини ишлаб чиқаришган эди. Ишда юксак кўрсаткичга эришган энергетиклар республика электростанциялари коллективларининг шу йилнинг биринчи кварталидаги социалистик мусобақасида мукофотли ўринни эгалладилар. Уларга Ўзбекистон энергетика ва электрлаштириш министрлиги ҳамда республика электростанциялари ва электр саноати ходимлари касаба союзи республика комитетининг кўчма Қизил байроғи ва 1500 сўмлик пул мукофоти берилди.

Каскад энергетиклари апрель ойи топшириғини ҳам ортиғи билан адо этдилар.

Қ. ИСМОНОВ.

ЎЗБЕКИСТОНДА ТОЖИК АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ ДЕКАДАСИ

Суратда: 1. (чапдан ўнгга) Тожикистон ССР халқ артисти Абдулхайр Қосимов, СССР халқ артисти Муҳаммаджон Қосимов ва Тожикистон ССР да хизмат кўрсатган артист Дилбар Қосимовалар.

Тожикистон рассомлари асарлари виставкасини Тошкент жамоатчилиги зўр қизиқиш билан томоша қилмоқдалар. Суратда: виставка залида.

Навоий номли театр майдонида очилган китоб бозорида.

И. Душкин, Р. Шамсуддинов (ЎзТАГ). ва И. Глауберзон фотолари.

ЭРТАГА — БУТУНИТТИФОҚ ХИМИКЛАР КУНИ

МЎЖИЗАКОРЛАР

Кимё фани океанга ўхшайди. Кимёгарлар эса океан сирларини ўрганувчи ғаввосларга қиёс қилгулик. Бу оламнинг ниҳояси бўлмаганидек, кимё дунёсининг тубига етиб бўлмайди. Айрим кашфиётларга бир инсон умри озлик қилади.

Кимёга меҳринг тушдими, бас унинг қучоғидан чиқолмайсан. Муттасил тажрибалар, тунни-тонгга улаб қузатиш, яна тажрибалар...

Бу, оддий кимёгарнинг бир кунлик ўйлари, холос. Дунё миқёсида ягона мустақил кашфиёт яратиш, уни инсонлар бахт-саодатига, келажагига хизмат қилдиришга осонликча эришиб бўлармикин?

Кимёгар олимлардан Тошкент политехника институти ёғлар технологияси кафедрасининг мудири доцент Абдураҳмон Абдураҳимов лабораторияда олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳикоя қилиб берди.

— Кафедрамиз асосан Ўрта Осиёдаги ёғ комбинатларига инженер-технологлар тайёрлайди,—дейди у.—Йилига ёғлар технологияси бўйича қирққа яқин малакали мутахассис етишиб чиқаяпти. Ҳозирги вақтда деярли ҳамма заводларда раҳбарлик вазифаларини шу кафедранинг талабалари эгаллашмоқда.

Студент ёшларда танланган соҳага садоқат, ихлосмандлик, илмга чанқоқликларини кўриб, меҳнатинг зое кетмаганидан қувонасан киши! Ўқитувчиларимиз бор билимини, қалб шуурини аямайди, улардан.

Дипломант ёшлардан М. Эргашев, Ш. Шарафутдинов, А. Саломов, Ж. Алиевалар машғулотлардан ташқари вақтларда илмий иш билан шуғулланмоқда. Ўйлаймизки, бу умидли ёшлардан келажакда истеъдодли олимлар етишиб чиқиши турган гап.

Кафедрада яқин уч йил ичида халқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлган йигирма олти минг сўмлик иш бажарилди. Шу кунларда Тошкент ёғ-мой комбинати билан ҳамкорликда стационар шароитдаги ёғни гидрогенлаш билан шуғулланилмоқда. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг аъло сифатли бўлиши учун зарур технологик шароитлар танланди. Шу соҳанинг яна янги усулларини излаб топиш, қулай технологиясини яратиш устида катта ўқитувчи С. Зуфаров, аспирантлар И. Қодиров, А. Абдужабборов, Т. Илҳомжоновлар диссертация ишларини ёзмоқдалар.

Абдураҳмон аканинг илмий тадқиқотлари анчагина. У йигирма йилдан бери Тошкент политехника институтида ишлаб, ҳурмат эътибор қозонган истеъдодли олим, камтарин дўст ва жонкуяр раҳбар. У республика саноати учун муҳим аҳамиятга эга бўлган бир неча илғор технологик схемаларни таклиф этган.

Унинг докторлик диссертацияси устидаги илмий қузатишлари ҳам ниҳоясига етай деб қолди. Босилиб чиққан кўпгина илмий мақолалари, саноат ҳамиятига эга бўлган технологик процесслар схемаси республикамизда ёғ саноатини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга бағишланган бўлиб, ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эгадир.

Биз кимёгар олим Абдураҳмон ака ва унинг шогирдларини ҳозирги ишлари ҳақида қисқача тўхталдик. Уларнинг янги-янги кашфиётлар яратишларига муваффақиятлар тилаймиз.

Ҳ. МАҲСУМОВ,
илмий ходим.

АВТОМАТЛАР ИЗМИМИЗДА

Цехимиз ташкил этилганига беш йилдан ошди. Шу давр ичида кўпгина янгиликлар бўлди. Цехимиз кенгайди, қуввати янада ошди. Кадрлар соғлиғ кўпайди, улар малакали бўлиб қолишди.

Кейинги икки-уч йил ичида берилган барча топшириқларни муntазам бажариб келяпмиз. Маҳсулот сифати мижозларимизни ҳурсанд қилмоқда. Ҳозир ишлаб чиқараётган олтин гугурт кислотамиз техника контролисиз аъло сифатга қабул қилиняпти.

Беш йилликнинг учинчи йили топшириқларини ҳам кўнгилдагидек адо этяпмиз. Кимёгарлар байрами кунигача 500 тоннага яқин олтингугурт кислотаси ишлаб чиқаришни ният қилган эдик, муддатидан илгари берган ваъдамизнинг устидан чиқдик. Бундан ташқари, ҳар бир тонна маҳсулотни 55 тийинга арзонлаштирдик, 1300 киловатт-соат электр энергия ва бошқа материалларни иқтисод қилиб қолдик.

Ишчи ва инженер-техник ходимларимиз бу йил коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун курашмоқда. Йил охиригача пландан ташқари 921 тонна олтингугурт ишлаб чиқариш, маҳсулот таннархини 0,1 процентга арзонлаштириш ҳамда 50 минг киловатт-соат электр қувватини тежашга ва рационализаторлик таклифлари ҳисобига 20 минг сўм пулни тежаб қолишга аҳд қилдик.

Ўтган ойларда рационализаторларимиз анчагина қимматли таклифлар киритишди. Натижада 15 минг сўмликдан ортиқ маблағни иқтисод қилиб қолишди. Жумладан, Л. Золотарев ва А. Постниковлар киритган таклиф 4812 сўмлик самара бераяпти. Ю. Орлянский, В. Лазовой ва Л. Микрюковларнинг бўш хонтейнерларни ярим вагонларга юклаш борасидаги таклифи ҳам йилига салкам 5000 сўм фойда келтирмоқда. Рационализаторлар сафи цехимизда ой сайин кенгайиб, уларнинг фаол изланишлари туфайли ҳам бизда қўл меҳнати кескин камаймоқда. Меҳнат унумдорлиги ортиб, маҳсулот сифати яхшиланяпти.

Шу варс характерлиги, бизда ишчилар қўнимлилиги яхши, ҳар бир киши ўз касбининг ичидан ишчасигача мукаммал билади. Масалан, А. Муслимов, А. Трубин, И. Доянов бошлиқ смена коллективлари бир оила аъзоларидек аҳил, ишлаб чиқариш планларини доимо ошириб бажаришяпти Бу смена аъзоларининг ҳаммаси кўпдан бери шу ерда ишлашади ва юқори малакага эгадирлар. Олтингугурт кислотаси цехидан икки смена, қуйдириш цехидан бир смена, контрол-ўлчов асбоблари ва автоматика ҳизмати аъзолари коммунистик меҳнат коллективи номини олишга муяссар бўлишган. Цехда 208 киши коммунистик меҳнат зарбдори. Қолганлар ҳам ана шу юксак номга сазовор бўлиш учун самарали меҳнат қилишяпти. Бунда ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш муҳим роль ўйнамоқда. Яқинда кислота цехида ишлаб чиқариш жараёнларни тўла автоматлаштиришга ўтказдик. Деярли ҳамма ишлар ўз кучимиз билан бажарилди. Янгилиниинг шарофати билан бир неча ишчи бошқа муҳим участкаларга ўтказилди. Кислота ишлаб чиқариш эса икки баробар кўпайди. Барча процесслар пульт орқали бошқарилаётган бўлди.

Ёпиғимизда рух заводи қурилмоқда. 4-кварталга борib бу корхона ишга туширилиши керак. Биз ана шу корхонанинг ишга туширилиши муносабати билан октябрь ойидан бошлаб рух заводининг чиқит газлари билан ишлашга ўтамиз. Натижада ҳар бир тонна олтингугурт кислотасини деярли икки баробарга арзонлаштириш имконияти туғилади.

Цехимизнинг келажаги порлоқ. Ҳар йили янги қувватлар қўшилиб бораверади. Коллективимиз ҳам чиниққан. Топшириқларни ошириб бажариш билан бирга ички резервлардан унумли фойдаланишга интиляпмиз. Буниинг учун билимимизни ҳам, ғайратимизни ҳам аямаймиз.

М. МЕДВЕДЕВ,
Олмаликдаги олтингугурт кислотаси ишлаб чиқаришининг слесари.

ЧИРЧИҚ электрохимия комбинати сув таъминоти цехининг коллективи Химиклар кунини муносиб совғалар билан кутиб олишяпти. Айниқса, цехнинг ўртоқ У. Собиров раҳбарлигидаги сменаси меҳнатда бошқаларга ўрнак бўлмоқда. Суратда: Ўсман Собиров (чапдан учинчи) тушки дам олиш вақтида смена аъзолари билан суҳбатлашмоқда.

А. Велиулаев фотоси.

ТОРТИҚ

Янгийўлдаги гидролиз заводи коллективи беш йилликнинг учинчи йили топшириғини муддатидан илгари бажариш, В. И. Ленин туғилган кунинг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш учун астойдил меҳнат қилмоқда.

Гидролизчилар Бутуниттифоқ химиклар байрамига муносиб тортиқлар билан келишмоқда. Тўрт ойлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини 105 процентдан орттириб бажардилар. Қўшимча бир неча минг сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ва истеъмолчиларга юборилди. Корхона ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари қўлга киритилган бу ютуқларни янада мустаҳкамлаш учун ўзаро мусобақани тобора авж олдирмоқдалар.

ТЕХНИКА „ДОКТОРИ“

Рўзибой бугун ҳам эрта турди: тоғ орқасидан кўтарилган баркашдек қуёш эндигина зар кокилини ёйишлаган эди. У одатдагидек қуёш чиқаётгандаги гўзал манзарани завқ билан томоша қилмади, атрофга хушбўй ҳид пуркаётган анвойи гуллар орасида сайр қилмади. Апил-тапил нонушта қилиб, жомакорини кийди-да, йўлга равона бўлди.

У цехга кириб келганда соат ҳали етти ҳам бўлмаган эди. Тўппа-тўғри цех бошлиғи хонасига кирди. Бошлиқ Омон Илёсов билан бирга цех механиги, мастер суҳбатлашиб ўтиришарди. Уларнинг суҳбат темаси Рўзибойга аниқ эди: донадорлаш минорасининг деворларига ёпишиб, кўпик сингари қалин қатлам ҳосил қилган аммиакни қандай қилиб тез ва соз қириб ташлаш масаласи эди.

Рўзибой ўтирганлар билан бир-бир қўл беришиб кўришиб чиққач, бугун ишни нимадан бошлаш ҳақида сўз очди.

— Минораниинг биттаси тўхтаб ётганидан хабаринг бор, — деди ташвишли оҳангда цех бошлиғи. — Уни ёпишиб қолган селитрадан тозалаш керак. Бу ишни тез ва соз бажаришимиз лозим. Шундай қилмасак ишимизга катта путур етади: ўнлаб тонна ўғит кам ишлаб чиқарилади. Ишнинг оғирини бригаданг зиммасига оласан. Минораниинг асосий узелларини кўздан кечириб, уларни тезроқ ишга тахт қилиб қўясан.

— Бажонидил. Бригадамиз аъзолари ишгилиб бўлишди. Ҳозироқ минорага чиқиб ишни бошлаб юборамиз, — ўрнидан дик этиб турар экан деди ишонч билан слесарлар бригадаси раҳбари Рўзибой Тиллаев.

— Бошқа цехлардан слесарлар ёрдамга келишади, — гапга аралашди цех механиги Иван Тимофеевич Магилин. — Ҳамма ишни бугун тугатишимиз керак. Шунга эришмасак бўлмайди. Ремонт учун керак асбоб-анжомларнинг ҳаммаси тахт қилиб қўйилган...

Рўзибой бошлиқ хонасидан чиқар экан, бригада аъзолари қуршаб олишди. У қилинадиган ишларни бирма-бир тапириб берди.

— Абдулла, сен Мирзоид билан ўғит қуйқасини кириб туширасизлар. Рустам билан мен минора тагидаги транспортёрни суриб қўямиз...

Бошлиқ бошқа слесарларга ҳам аниқ вазифалар берди. Ҳамма бир жон, бир тан бўлиб ишга тушиб кетганда биринчи смена бошланмаган эди. Рўзибой бригаданинг энг ёш аъзоси Рустам Эргашев билан транспортёрни нарироқ суриб қўйишди. сўнг саккизинчи қаватдаги вакуум насосларини соз-лай бошлашди. Бригаданинг барча аъзолари фидокорона меҳнат қилишди, шу куни. Ишни охирига етказмагунча ҳеч ким бу ердан жилмади. Кеч соат саккизларга борib донадорлаш минораси ўғит қолдиқларидан тозаланди, бошқа агрегатлар ҳам қўлдан чиқарилди. Уларнинг ҳаммаси теварак-атрофни гумбурлатиб яна ишга тушиб кетди. Бундан Рўзибой ва слесарлар ниҳоятда мамнун бўлишди. Хурсандчиликларини ичларига сиғдириша олмасди. Комбинат раҳбарлари ҳам уларга миннатдорчилик билдиришди. Цех бошлиғи уларнинг қўлини бир-бир қисиб ташаккур изҳор қилди...

Рўзибой мураккаб ва машақкатли, аммо шарафли касбни танлаганидан яна бир бор мамнун бўлди. Ўзининг цехга қадам қўйган дастлабки вақтлари эсига тушди. Ўшанда мўйлови эндигина сабза ураётган йигитча эди. Уни слесарлар бригадири Аҳад Гараевга шогирдликка беришди. Кўп ўтмай танлаган касбининг шарофатига тушуна бошлади. Ахир цехдаги барча асбоб-ускуналарнинг бир меёрда ишлаши, улар қувватидан унумли фойдаланиш шуларга боғлиқ. Слесарлар агрегатлар ишидан ҳар доим кўз-қулоқ бўлиб туришлари, арзимаган камчилик содир бўлса ҳам, унга жиддий эътибор билан қарашлари керак. Устози Рўзибойга ўгит берар экан, ҳар доим шуларни таъкидларди. Шу туфайли ҳам Рўзибой слесарликнинг ички-ичичларигача пухта эгаллашга ҳаракат қилди. Тинмай изланди. Билмаганини бошқалардан ўрганди. У цехнинг энг моҳир слесарларидан бўлиб етишди.

Унинг бу даргоҳга қадам қўйганига ўн беш йил бўлиб қолди. Уч йилдан бери бригадага раҳбарлик қилмоқда. Шу йиллар давомида ўз вазифасига сидқидилдан муносабатда бўлди. Меҳнат дафтарчасига цех ва комбинат маъмуриятининг қайд қилинган жуда кўп ташаккурномалари бундан далолат беради. Ҳозир у Абдулла Тўрахонов, Мирзоид Султонов сингари тажрибали ҳамкасблари билан ўғитни донадорлаш минорасидаги барча агрегатларнинг нормал ишлашини таъминламоқда.

Минерал ўғит цехи коллективи бугун нишонланаётган Бутуниттифоқ Химиклар кунини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишди. Қўшимча мингдаб тонна тупроқ ҳамиртурши ишлаб чиқарилди ва пахтакорларга етказиб берилди. Бунда ҳар ишга моҳир Рўзибой Тиллаев раҳбарлигидаги коммунистик меҳнат бригадаси слесарларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Химиклар байрами арафасида уларга катта-катта муваффақиятлар, сиҳат-саломатлик тилаймиз.

М. МИРҲАМИДОВ,
Чирчиқ электрохимия комбинати.

СИЕСИЙ ТАШКИЛОТЧИ—ДУСТ ВА МАСЛАҲАТЧИ

АЗИЗ МЕҲМОН

Қишлоқ оқшомя ўзи ажойиб, файзли бўлади-да! Қош қорайиб, атрофга қоронғулик тушмасданоқ Ильич чироқлари порлаб кетади, кишилар қалбида яна қувонч тўлқинланади.

Бу оқшом ҳам шундай бўлди. Даладан қайтаётган Анорбой ака атрофига суқланиб назар ташлади. Осмон гумбазидаги сон-саноқсиз юлдузлар гўё қишлоққа меҳмон бўлгандай туюлади унга. Тўйиб-тўйиб нафас олди. Кейин бирров кириб кетмоқчи бўлиб, Абдулла акаларнинг дарвозасини тақиллатди. Уни Абдулла аканинг ўзи қарши олди.

— Э, бормисиз, Анорбой ака, ассалому алайкум. Келинг, ичкарига, марҳамат, кираверинг! Ишдан эндигина келувдим,— деди Абдулла ака Тиллаев — келининг шовла қилди. Қани, дастурхонга марҳамат!

Бир-икки қошиқ овқатдан олгандан кейин Анорбой ака пазандани мақтади:

— Ҳўп ширин овқат бўптида!

— Унчалик эмасдир-е, Анорбой ака,— дея эътироз билдирди уялиқираб Анорбой аканинг хотини.— Тезроқ пишсин, деб шовла қилақолувдим.

— Йўқ, йўқ, келин. Чин гап —жуда мазали бўпти. Қўлингиз дард кўрмасин.— Миннатдорчилик билдирди Анорбой ака.— Мен сизни фақат далада чеварсиз десам, уйда ҳам ҳақиқий пазанда экансиз. Раҳмат!

Бироздан сўнг чой келтирилди. Анорбой ака мезбоннинг ҳол-аҳволини суриштирди, ишларидан сўради. Абдулла ака очилиб-сочилиб гапира кетди:

— Эсингизда бўлса керак, шоферликка механизаторликдан ўтганман. Ҳисоблаб кўрсам, бунга ҳам анча йил бўпти. Шу денг, анчадан бери кўнглим далани қумсайдиган. Юрагим далага талпинадиган бўлиб қолди. Яна далага қайтсам, «пўлат от» жиловини тутсам, дейман. Сиз нима дейсиз? Аммо, бу ҳақда ҳали ҳеч кимга оғиз очганим йўқ.

Анорбой ака саволга жавоб қайтаришга ошиқмади. Унинг хаёлидан не-не ҳаяжонли фикрлар ўтди. Қаранг, унга кишилар ишонишганидан дил гапларини айтишяпти, маслаҳатлашишяпти. Бундай пайтда уларга оқилона жавоб бериш, кўмаклашиш — снёсий ташкилотчининг бурчи.

— Нима ҳам дердим.— Анорбой ака уй эгасининг юзига тикилди, —мен идорадагилар билан бир гаплашиб кўрай. Аслида бизнинг участкамизга яна битта механизатор зарур. Балки эшитгандирсиз: чигит экилган майдон бу йил 250 гектарга етди. Ҳар гектар ердан 33 центнердан пахта олишга аҳд қилганмиз. Мажбуриятимиз чакки эмас. Сизга ўхшаганлар билан бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилсак бу манзилга албатта, етамиз...

Анорбой ака раис билан маслаҳатлашди. Абдулла ака билан бўлган суҳбатдаги фикрни ўртага ташлади. Раис рози ҳам бўлди. «Ҳатто,— деди раис Юсуф ака Толипов, —у кишини звенога бошлиқ қилиб тайинласа ҳам бўлади, жуда тиришқоқ, ишбилармон одам».

Шундай қилиб, Абдулла Тиллаев яна дала бағрига қайтди.

Абдулла ака Қозонбой Ризаев бошлиқ участкада звенога раҳбарлик қила бошлади. У ҳақиқатан ҳам сидқидиллик билан ишлаяпти. Айниқса, шу кунларда Абдулла ака бошлиқ звено аъзоларининг ғайратлари ўзгача. Чигитни текис ундириб олиш йўлида жонбозлик кўрсатишяпти.

Снёсий ташкилотчи Анорбой Рихсибоевни Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозидагилар доимо ҳурмат билан қарши олишади. У участкада сифат инспектори бўлиб хизмат қилади. Иши ҳам ўзига етарли. Аммо, ўзига бириктирилган хонадонларга кириб, оила аъзолари билан гаплашишга, уларнинг дилидаги гапларини эшитишга, қўлидан келганча ёрдамлашишга вақт топади...

З. ҚУРТНЕЗИРОВ.

130 МИНГ СЎМ ТЕЖАЛДИ

Республикамиз тўнғич корхоналаридан бири Тошкент тўқимачилик комбинати коллективи беш йилликнинг учинчи йили планини барвақт бажариш учун астойдил меҳнат қилмоқда. Комбинат фабрика ва цехларида ўзаро социалистик мусобақа тобора авж олаяпти.

Коллектив эришаётган бундай ютуқларга ишлаб чиқариш новаторлари муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Улар ўз таклифлари билан меҳнат унумдорлигини оширишга, маҳсулот сифатини яхшилашга, оғир жараёнларни енгиллаштиришга эришмоқдалар. Новаторлар йил бошидан бери жуда баракали ишлаётган ишлаб чиқаришнинг турли қолоқ участкаларини такомиллаштиришга қаратилган 150 дан ортиқ таклиф билан чиқишди. Бу таклифларнинг аксарияти амалга оширилди. Ундан комбинат ҳар йили олаётган иқтисодий фойда жуда катта маблағни — 130 минг сўмга яқинини ташкил этади.

Кўпгина азаматлар ижодий изланишда яхши натижаларга эришмоқдалар. Г. Ҳошимов, Х. Тўлаганов, К. Молчалина, К. Литвишко ва бошқалар шулар жумласидандир. Айниқса, газламага гул босиш цехининг ўртоқ М. Тихонова раҳбарлигидаги рационализаторлар бригадаси қўлга киритаётган ютуқлар мақтовга сазовордир.

Қ. МУСАХЎЖАЕВ.

ЯНГИ БИЛИМ ЮРТЛАРИ

Профессионал-техника билим юртлари ҳақли равишда кадрлар ўчоғи саналадилар. Бепоён «оқ олтин» денгизида жавлон ураётган «зангори кема» капитанларининг аксарияти ҳам кадрлар ўчоғидан меҳнат қучоғига йўлланма олган.

Бу йил областимиздаги бундай билим юртлари сафига яна иккитаси қўшилади. Булардан бири Бекобод районида иш бошлайди. Пискентда очиладиган янги билим юрти ҳам механизатор кадрлар тайёрлаб чиқаришга киришади.

Ҳар иккала билим юрти бинои типовой лойиҳа бўйича қурилмоқда. Уларда ўқув-тарбия ишлари олиб бориш учун ҳамма қулайликлар муҳайё қилинади. Бўлажак механизаторлар кенг ва ёруғ аудиторияларда билим оладилар, асбоб-ускуналар билан тўла жиҳозланган устахоналарда тажриба тўплайдилар. Қироатхона, ётоқхона улар ихтиёрида бўлади.

Янги очилаётган билим юртларининг ҳар бири йилига 600 кишидан иборат механизатор ва тракторчилар тайёрлайди.

ПАРКЕНТДАГИ «Гулистон» колхозининг галлакорлари катта-катта майдонларда мўл-кўл дон ҳосили етиштирмоқдалар. Колхозда ўрим-йиғимга ҳар тарафлама қизғин тараддуд кўриляпти. Суратда: комбайнчи ўртоқ М. Ражабов ремонтдан чиқарган агрегатини яна бир бор текшириб кўрмоқда.

Т. Рўзиматов фотоси.

ШИФОХОНА КЕНГАЙМОҚДА

Қурилишда иш қизғин. Минора крани пешма-пеш юқори қаватда ишлаётган бинокорларга материаллар узатиб турибди. Тинч турган бирор кимсани кўрмайсиз, бу ерда.

6-трестга қарашли 32-қурилиш бошқармасининг ўртоқ Г. Пипко бошлиқ бригада аъзолари Собир Раҳимов кўчасида онкология шифохонасининг янги биносини қуришяпти. Замонавий типда қурилаётган касалхона каттагина майдонни эгаллаган. Даволанувчилар учун барча қулайликлар яратилади. Жумладан, даволашни кенг миқёсда олиб бориш учун махсус асбоб-ускуналар ўрнатилади.

Азамат бинокорлар иморатни тез ва сифатли қуриш учун астойдил қурашяптилар.

— Шифохона,—дейди участка бошлиғи М. Ганюхин —йил охиригача битказилиши керак. Лекин муддатидан анча олдин фойдаланишга топширишга ҳаракат қилаяпмиз, бунинг учун имкониятимиз етарли.

Қурилиш майдонида иш қўлами кенгайиб бораяпти. Б. Носирхўжаев, К. Асроқулов, Д. Сольников ўртоқлар каби пешқадамлар, айниқса, самарали меҳнат қилишяпти.

К. МУҲАММАДЖОНОВ.



УШБУ суратда Олтинтоғ кон-металлургия комбинатига қарашли олтингугурт кислотаси цехини кўриб турибсиз.

В. Сироткин ва И. Глауберзон фотоси.

ЎЗБЕКИСТОНДА ТОЖИК АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ ДЕКАДАСИ

ҲАЖВИЯЛАР

Ҳожи СОДИҚ

„ЮВАМИЗ“

Усмоннинг шодлиги ичига сиғмасди.

— Ҳой, жўралар, мени табриклашларинг мумкин, ўғиллик бўлдим, ўғиллик!

— Оҳо, «ювишга» арзирлик иш бўлибди-ку,— деди улардан биттаси.— Қани, жўралар сафланинг! Ҳамма — Комсомол кўлига! Меросхўрнинг қадами хосиятли бўлсин!

Усмоннинг ўғилчасини «ювиш» қош қорайгандан то саҳархез хўрозларнинг илк кичкиришигача давом этди. Қадаҳларнинг бу қадар жарангини Усмон умрида эшитмаганди. Туғруқхонадаги доя-ю қоровуллардан тортиб, то соғлиқни сақлаш министри шарафигача қадаҳ кўтарилди.

Кўп ўтмай Латифнинг ҳам бахти кулиб, лотерея билетига кир ювадиган машина чиқиб қолди-ю! Ҳаммамиз уни аридек ўртага олиб, бир овоздан дедик:

— Қани, ювамиз!

Латифни шундай шилдиккина, сабзидан келган фойда шолғомнинг зарари билан кетгандек, олган ютуғидан сариқ чақаям қолмади.

Шундай қилиб, бизда «ювиш» одат тусига кириб қолди ва ҳар гал шу боисдан қилинган эҳтиёжсизликлар, ортиқчаликлар, ҳатто ҳақорат ва ҳаёсизликлар ҳеч ким учун ҳеч нарсага арзимаган ишлар, ҳеч ким учун ҳеч нарсага ярамаган ишлар ҳеч ким учун ҳеч нарсага керак бўлмаган ишлар ҳеч ким учун ҳеч нарсага ўхшамаган ишлар ҳеч ким учун ҳеч нарсага ўхшамаган ишлар ҳеч ким учун ҳеч нарсага ўхшам

Дунё хабарлари

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

КУРАШАЁТГАН ҚИТЪА

Бундан беш йил аввал, 1963 йил 21 майдан 25 майгача Эфиопия пойтахти Аддис-Абебада катта тарихий воқеа — Африкадаги ўттиз бир мамлакат давлатлари ва ҳукуматлари бошлиқларининг конференцияси бўлиб ўтган эди. Қитъада мустамлакачилик қолдиқларини тугатишга қатъий жазм қилган мустақил Африка овози шу конференция минбаридан бутун дунёга янграганди.

Конференцияда бутун Африканинг тақдири учун ҳаётий муҳим аҳамиятга эга бўлган қарорлар қабул қилинди. Қадимий қитъанинг тарихида биринчи бўлиб, мустақилликка чиқиб олган давлатларни бирлаштириб турган ташкилот Африка бирлиги ташкилоти тузилди. Конференция ўз ишини тамомлаган 25 майни ҳар йили Африка озодлиги куни сифатида байрам қилиш тўғрисида якдиллик билан қарор қабул қилинди.

Африка бирлиги ташкилотининг шу конференция қабул қилган хартияси қитъадаги мамлакатларни африкаликлар мустамлакачиликнинг ҳамма турларини емириб ташлаш учун, Африка мамлакатларга суверенитетини, территориал бутунлигини ва мустақиллигини ҳимоя қилиш учун бирлашишга чақирди. Африка мамлакатларининг парламентлари бу хартияни ратификация қилдилар. Бу эса Аддис-Абебада қабул қилинган қарорларни ҳам маънавий жиҳатдан, ҳам қонуний тарзда мустаҳкамлади.

Конференция қарорларига мувофиқ, Африканинг ҳанузгача Ғарбий Европа давлатларининг мустамлакаси бўлиб қолаётган территорияларидаги миллий-озодлик ҳаракатларига ёрдамлашиш билан шуғулланувчи координация комитети тузилди.

Конференция бутун давлатларга якдиллик билан мурожаат қилиб, оддий қурол-ярог запасларини қисқартириш йўлида тадбирлар кўришга, зўр бериб қуролланишнинг тўхтатилишига, жиддий ва самарали халқаро контроль остида ёппасига ва батамом қуролсизланиш тўғрисидаги шартномани имзолашга даъват этади.

Африка халқлари қадим замонлардаёқ ўзига хос юксак маданият ижодкори бўлганлар. Аммо, XV асрнинг бошларида қитъага ажнабий босқичиларнинг кириб келиши бу маданиятнинг ривожланишини тўхтатиб қўйди. XVI асрда Африка территориясида мустамлакачи давлатларнинг таянч пунктлари пайдо бўла бошлади. XIX асрда эса Африкани бевосита мустамлака қилиш даври бошланди.

Мустамлакачиларнинг бу ерга келишига асосий сабаб Африканинг битмас-туганмас бойлиги, арзон ишчи кучи кўп эди. Африка капиталистик дунёда қазиб чиқарилаётган олмосининг 90 процентидан кўпроғини, олтининг қариб 60, кобальтнинг 73, хром рудасининг эса 30 процентини етказиб беради. Бу ерда катта уран запаслари мавжуд. Уран чиқариш бўйича Африка капиталистик дунёда иккинчи ўринда туради.

Бундан ташқари, дунёда ўсимлик толасининг 41,3, хурмо ёнғоғининг 86,8, какаонинг 63,9, кофенинг 16 ва пахтанинг 9,5 процентини шу қитъа беради. Экономиканинг муваффақиятли ривожланиши учун ғоят катта имкониятларга эга бўлган Африка қариб 500 йил мобайнида мустамлакачи давлатлар ҳукмронлиги остида яшаб келди ва қолоқ қитъага айланиб қолди. Эндиликда Африканинг кўпгина мамлакатларида аҳоли турмуш даражаси жаҳонда энг паст кўрсобланади. Ҳар бир африкаликнинг шахсий даромади европалик киши даромадидан қариб 50 марта камдир.

Африка халқлари ҳукмронликка қарши узоқ вақт кураш олиб бордилар. Бу кураш Улуғ Октябрь социалистик революциясидан сўнг, айниқса иккинчи жаҳон урушидан кейин, янада кучайиб кетди. Африкада миллий озодлик ҳаракати тобора ўса борди. Натижада бирин-кетин сиёсий мустақиллик қўлга киритила бошланди. Африкалик ватанпарварлар мустамлакаларга кетма-кет катта зарбалар бериб, европаликларни қитъадан суриб чиқаришга бел боғладилар.

Эндиликда қитъанинг 90 процентдан ортиқроқ территориясидаги халқлар келажакка комил ишонч билан боқиб, янги ҳаёт қурмоқда.

Африка халқларининг миллий озодлик ҳаракатлари туфайли оламшумул-тарихий ютуқлар қўлга киритилди. Африка халқлари бирин-кетин мустамлака нишанларини парчалаб ташлай бошладилар. Агар 1956 йилда қитъада бор-йўғи бешта давлат мустақилликка эришган бўлса, тарихга «Африка йили» номи билан кирган 1960 йилнинг ўзидаёқ 80 миллиондан кўпроқ аҳолига эга бўлган 17 мамлакат: Мали Республикаси, Нигерия, Сенегал, Марказий Африка Республикаси, Того, Сомали, Юқори Вольта Республикаси ва бошқалар озодликка эришди. 1964 йилнинг 15 апрелигача Африкадаги мустақил давлатларнинг сони 32 га етди. Бугунги кунда эса 39 мамлакат ўзини мустақил равишда ядро қилмоқда. Шу йилнинг 12 мартида Африкадаги мустақил давлатлар қаторига яна бир янги давлат келиб қўшилди. Бу Англия ҳукмронлиги остида 138 йил бўлган Маврикийдир.

Ҳозирги даврда мустамлакачилик системаси қаттиқ зарбага учраган бўлса ҳам, бироқ қитъанинг 30 миллиона аҳолиси ҳамон мустамлакачилар қўл остида азоб чекмоқда, Ангола, Мозамбик, Родезия, Жанубий Африка республикаси, «Португалия» Гвинеясн ватанпарварлар қўл остида ўтириб, унинг қолатини эндан кузатиб турибди. Фельетонинг даромад қисми ўқилаётганда «қаҳрамон»нинг оқариб кетган юзида гиржайиш пайдо бўлибди. Нарироққа бориб тиржайиш бўзаришга айланибди.

Учинчи варақда «қаҳрамон» ўқишдан ғўхтаб, диванга суянибди. Алланималар деб пичирлабди. Дўстим дарров ўрнидан туриб, графиндан сув қуйиб узатибди. У сувдан ичиб, ўзини бироз босиб олгач, ўқишда давом этибди. Бешинчи варақка борганда, яъни фельетоннинг якунловчи қисмига яқинлашганда, қўлидан қоғоз тушиб кетиб, ўзини диванга ташлабди.

— Ҳай, сизга нима бўлди, ўзингизни тутинг...

«Қаҳрамон» бу гап айтилганда ўзини мутлақо йўқотиб қўйган бўлса керак, бошини қўтариш у ёқда турсин, кўзини ҳам очмабди. Бечора дўстим нима қилишини билмай, коридорга отилибди. Қўшни хонадаги бўлим ходимларидан икки-уч кишини чақириб чиқибди. Улар «қаҳрамон»нинг юзига сув сепишибди. қўлоғини уқалашибди, қани энди кўзини очса! Кимдир:

— «Тез ёрдам»ни чақириш керак, — дебди.

Орадан кўп ўтмай оқ халат, оқ калпоқ кийган врачлар етиб келибди. Улар шошилинч «қаҳрамон»нинг томирини, юрак уришини текшириб кўришибди.

— Бу одамнинг юрак уриши чатоқ, тезда касалхонага элтмасак бўлмайди...

Шу пайт галагоур устига редактор кириб қолибди. У воқеадан бехабар, нима гап деб сўраган экан, бечора дўстим ранги ўчиб:

— Кеча редколлегияда ўқилган фельетонимнинг қаҳрамони, фактлар аниқ бўлсин, деб фельетонни унинг ўзига ўқита қолган эдим...

— Ҳмм... — Редактор ажабланган кўйи, ўсал бўлиб қолган «қаҳрамон»ни олиб чиқиб кетаётган кишилар орқасидан қараб қолибди.

— Хўш, охири нима билан тугади, — сўрадим дўстимдан.

— Жуда қизиқ, огайни! Ҳозир касалхонадан келяпман, врачлар билан гаплашдим. Уларни ўша куниёқ воқеадан хабардор қилган эдим. «Қаҳрамоним» жуда устаси фаранг экан, кўрқманг, фельетонингизни чиқартираверинг, унга жин ҳам урмайди, дейишди врачлар.

— Ундан чиқди, эксперименттинг...

— Ҳа энди, биринчи тажрибада унча-мунча камчилик бўлиши мумкин. Бу ёғига пишиқ бўламиз.

— Навбатдаги фельетонингни «қаҳрамонинг»га врачлар ҳузурида ўқиб бераркансан-да...

— Бир йўли топилиб қолар, — дўстим кулимсиради.

Мен ҳам шундан кейин дўстимнинг тажрибасини қўллаб кўрсаммикин, деган фикрни кўнглимдан ўтказдим.

С. МАҲКАМОВ.

БУГУН — АФРИКА ОЗОДЛИГИ КУНИ

Тунис халқи иқтисодий, моддий ва маданий саҳаларда маълум муваффақиятларга эришди. Темир йўллар, тог-кон компаниялари, газ, электр, сув билан таъминлаш, алоқа воситалари ҳамда шаҳар транспорти национализация қилинди. Банк—кредит ишлари, шунингдек ички ва ташқи савдонинг бир қисми давлат назорати остига олинди. Нефтни қайта ишлаш комбинати, қанд заводи, маҳаллий хом ашёдан сифатли қоғоз ишлаб чиқарадиган катта фабрика, иккита иссиқлик электростанцияси, металлургия комбинати, трактор йиғиш заводи ва суперфосфат ишлаб чиқариш заводи барпо этилди. Ҳукумат миллий ривожланиш планининг ўн йиллиги охири—1971 йилда мамлакатда саводсизликни тубдан тугатиш вазифасини қўйди. Давлат бюджетининг 25 процентдан кўпроғи халқ маорифи эҳтиёжларига сарфланади.

1965—1966 йилларда Занжибар экономикасини ривожлантиришга 2.287 минг фунт стерлинг маблағ сарфланди. Бу миқдор сўнгги беш йил мобайнида сарфланган капитал маблағдан қариб икки баравар кўпдир. Шоли етиштиришни кўпайтириш, ирригация системаларини кенгайтириш, чорвачилик ва балиқчиликни ривожлантириш учун бир ярим миллион фунтдан эшёд маблағ сарфланади.

Африка қитъасидаги бошқа ёш мустақил давлатларда ҳам катта ўзгаришлар бўлмоқда. Бу давлатларнинг халқлари ўз мамлакатларини ҳар томонлама ривожлантириш учун тинмай меҳнат қилмоқдалар.

Совет Иттифоқи бошлиқ социалистик мамлакатлар африкаликларга озодликни қўлга киритишдагина ёрдам бериб қолмай, шу билан бирга иқтисодий мустақилликка эришиш, асрий қолоқликни тугатиш, маданиятни ривожлантиришда ҳам яқиндан бегараз кўмаклашмоқдалар.

СССРнинг ёрдами билан 250 га яқин корхона ва объект, шу жумладан Бирлашган Араб Республикасида 100 га яқин, Гана 17 та, Гвинеяда 20 га яқин объект қурилди. Бирлашган Араб Республикасидаги Асвон тўғонини барпо этишда мамлакатимизнинг хизмати катта.

Гана республикасида Совет Иттифоқининг ёрдами билан қурилган ва қурилаётган станоксозлик ва механика, темирбетон конструкциялари заводлари, атом реактори, тўқимачилик ва қоғоз фабрикалари ҳамда бошқа жуда кўп корхоналар ғоят муҳим аҳамиятга эгадир.

Серқуёш республикамиз меҳнаткашлари ҳам африкалик дўстларга амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Ўзбекистон корхоналарида тайёрланаётган соноат молларини Жазоир, Мали, Того, Гана, Сенегал, Камерун каби 20 га яқин Африка давлатлари сотиб олмоқда.

Африканинг озод мамлакатлари мустақил сиёсий куч сифатида даврнинг халқаро проблемаларига катта таъсир ўтказмоқдалар. Африка халқлари бутун дунёда тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашни қатъий талаб қилиб чиқмоқдалар.

И. УСМОНОВ,
Т. ФАЙЗИЕВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг илмий ходимлари.

1960 йилгача Юқори Вольта пойтахти — Уагадугу шаҳри худди қишлоққа ўхшарди. Мустақилликка эришилгач, давлат бу шаҳарни ободонлаштиришга катта эътибор берди. Ҳозирги Уагадугуда замонавий маъмурий ва уй-жой бинолари, асфальт кўчалар жуда кўп.

В. Корочанцев фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

ВДР УСТИДА УРИБ ТУШИРИЛДИ

ХАНОЙ, 23 май. (ТАСС). Вьетнам Информация агентлигининг хабар беришича Вьетнам халқ армиясининг ҳаво ҳужумидан мудофаа қисмлари кеча Куангбин вилояти устида Американинг битта самолётини, Нгеан вилояти устида учта самолётини уриб туширганлар. Бу самолётлар ВДРнинг аҳоли зич яшайдиган районларини бомбардимон қилган эди.

Қўшимча маълумотларга кўра халқ армиясининг зенитчилари 20—21 майда Куангбин вилояти устида, 16 ва 19 майда Нгеан вилояти устида Американинг яна тўрт самолётини уриб туширдилар.

Вьетнам Информация агентлигининг маълумотларига кўра ВДР территорияси устида Американинг жами 2941 самолёти уриб туширилган.

ФРАНЦИЯ МИЛЛАТ МАЖЛИСИДА

ПАРИЖ, 23 май. (ТАСС). Компартия ҳамда демократик ва социалистик сўл кучлар федерациясининг депутатлари ҳукуматга ишончсизлик билдирган резолюцияси озгина кўпчилик овоз билан рад қилинди. Резолюцияни ёқлаб 233 депутат овоз берди. Ҳолбуки, унинг қабул қилиниши учун 244 овоз талаб қилинади. Миллат мажлисида 487 депутат бор.

ОККУПАЦИЯЧИЛАРНИНГ БЕБОШЛИГИ

БАЙРУТ. (ТАСС). Байрутда чиқадиган «Алҳаёт» газетасининг Аммондаги мухбири юборган хабарда айтилишича, Қуддусининг эски шаҳар қисмидаги араб аҳолисини Исроил маъмурлари кувғин қилиб, уларга кўп азоб бермоқдалар. Исроилнинг оккупациячи маъмурлари, дейилади хабарда, араб савдогарларига ҳаддан ташқари кўп солиқлар солиб, уларни ўз магазинларини ёпиб қўйишга мажбур қилмоқдалар.

Оккупациячилар араб гражданларига тегишли мол-мулк ва ерларни турли баҳоналар билан мусодара қилмоқдалар. Газетанинг ёзишича, Қуддуснинг ўзида ва унинг атрофида араб оилаларини ва кампанияларга қарашли ерлардан яқинда 600 дунумга яқини (бир дунум—910 квадрат метрга тенг—редакция) мусодара қилинди.

Қуддус шаҳридаги арабларни «шаҳарни реконструкция қилиш планига кўра, иморатларни бузиб ташлаш лозим бўлиб қолди, деган баҳона билан уйларидан ҳайдаб юбормоқдалар.

ОЛТИН ЗАПАСИ КАМАЙИБ БОРМОҚДА

ВАШИНГТОН, 24 май. (ТАСС). АҚШнинг олтин запаси тобора камаймоқда. Молия министрлигининг хабарида айтилишича, апрель ой ичида мамлакатдаги олтин запаси яна 156 миллион доллар миқдорида камайган. Ҳозирги вақтда олтин запаси 10 миллиард 547 миллион доллардан иборат бўлиб қолди. 1966 йилдан кейин олтин запаси шу қадар камайиб кетмаган эди.

Спорт

ШТАНГАЧИ, МАСТЕР, МЕДИК

— Ҳа, Абдуҳамид, йўл бўлсин?

— Яна тренировками? Жонимга тегмадими? Кел, ундан кўра бироз тўп тепайлик.

Абдуҳамид дўстининг илтимосини рад этиб, йўлида давом этди.

Полвонлар курашига қизиқкан ёш Абдуҳамид машғулотларда ҳар қанча уринмасин «мўйниқ» ясашга рақибини устидан улоқтириб ташлашга, «шўпчиқ»ка қийналарди. Анчадан бери гиламда тинимсиз машқ қилса-да, кўнгилдагидек натижа кўрсатолмасди.

Уч ой деганда тренер ижозати билан секцияга янги аъзо бўлганлар бел олишиб кўрди. Абдуҳамид ҳам биринчи марта ўртага тушди. Ушанда қандай қилиб курашганини эслай олмайди. Мусобақадан кейин мендан полвон чиқмайди, деб ўйлаган спортчи машғулотларга қатнашмай қўйди.

Шунда Чимкентдаги 3-ўрта мактаб ўқувчиси Абдуҳамид Йўлдошев штангачилар секциясида кучини синаб кўришга аҳд қилди. СССР спорт мастери Юрий Иванович Дауров шогирднинг қўйнлини топа олди.

— Машқ, машқ қилабер. Лекин, рекордга шошилма, ҳаммаси ўз вақти билан бўлади,—дерди у.

Бу ерда ҳам ҳамма ишни умум жисмоний тайёргарликдан бошлашга тўғри келди.

1964 йилнинг кузида Чимкент биринчилигида А. Йўлдошев кучини синаб кўрди. Энг енгил вазнлилар ўртасида уч курашда 275 килограмм натижа кўрсатди ва биринчи разряд нормативини бажарди. Бу ғалаба унга область чемпиони унвонини берди.

Бу ёш спортчининг дастлабки ютуғи эди.

А. Йўлдошев Тошкент медицина институтига ўқишга кирганида ҳам ўзининг селган спорти штанга билан хайрлашмади. Янги устоз А. Аванесов қобилиятли спортчини тренировкаларда «ояб» ўтирмади. Кўп ўтмай, ярим енгил вазнлилар ўртасида институт чемпиони, кейин эса шаҳар биринчилигида фахрли иккинчи ўринни эгаллаган Абдуҳамид, 1966 йилда пойтахт чемпиони бўлди.

Ўтган йилнинг май ойини А. Йўлдошев сира унутмайди. Ўзбекистон юбилей спартакиадасида қатнашиб СССР спорт мастери бўлди, орзуси ушалди.

ТошМИ студенти А. Йўлдошев машғулотларда уч курашда 340 килограмм оғирликдаги штангани кўтаряпти. Одобли студент, аълочи спортчи Абдуҳамид бўлажак мусобақаларга пухта тайёргарлик кўряпти.

А. КИМ.

Суратда: Ю. Гагарин хотирасига бағишланган мусобақанинг мукофотчиси Н. Хайрутдинова машқда.

Д. Михайлов фотоси.

ИТАЛИЯГА КИМЛАР БОРАДИ?

СССР футбол федерацияси Европа биринчилигининг ҳал қилувчи ўйинларида қатнашувчи мамлакатимиз терма командаси составига қуйидаги 22 ўйинчини киритди: дарвозабонлар — Ю. Пшеничников, (ЦСКА), А. Кавазашвили («Торпедо», Москва), Е. Рудаков («Динамо», Киев); ҳимоячилар — В. Аничкин («Динамо», Москва), В. Афонин, Ю. Истомин ва В. Капличний (ҳаммаси ЦСКА дан), В. Левченко («Динамо», Киев), Г. Логофет («Спартак»), М. Хурцилава («Динамо», Тбилиси), А. Шестернев (ЦСКА); ярим-ҳимоячилар — В. Воронин ва А. Ленёв (иккаласи Москва «Торпедо»сидан), Э. Малофеев («Динамо», Минск), В. Мунтян («Динамо», Киев); ҳужумчилар — К. Асатиани («Динамо», Тбилиси), А. Банишевский, Н. Смольников (иккаласи «Нефтчи»дан), Г. Еврюжихин, И. Численко (иккаласи Москва «Динамо»сидан), А. Биповец («Динамо», Киев), Г. Нодия («Динамо», Тбилиси).

Европа биринчилигининг ҳал қилувчи ўйинлари 5 — 8 июнда Италиянинг Неаполь, Флоренция ва Рим шаҳарларида бўлиб ўтади.

ФУТБОЛ ЧЕМПИОНАТИДА

Ўтган пайшанба куни Москванинг «Локомотив» командаси Минск динамочиларини қабул қилиб, 0:0 ҳисобида дуранг натижага эришди ва турнирда бешинчи ўринга кўтарилди. Минсклилар эса ўнинчи ўринга чиқдилар.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

ЭКСПЕРИМЕНТ

Фельетончи дўстим навбатдаги асарини тугатиб, менга ўқиб берди. У қоғоздан кўзини узаркан, «қалай» деди.

— Жуда зўр чиқибди, — дедим.

— Энди буни «қаҳрамоним»га ўқиб бермоқчиман...

— Жинни бўлдингми, факт очилиб қолиб, буёғи нима бўлади, — эътироз билдирдим, — ўртага у тушади, бу тушади, фельетонинг юзага чиқмайди.

— Барибир ўқиб бераман, нима бўлса бўлаверсин, — гапида туриб олди у.

— Менимча нотўғри қиляпсан, барибир охирида аттанг, деб қоласан...

— Жуда қизиқ гапларни айтасан, огайни, — давом этди дўстим. — дунёда нималарни текшириб кўришмаяпти? Хотин кишининг юрагини эрканка улашяпти, қоратанликнинг юраги оқ танли одамда уриб турибди. Булар олдида мен қилаётган эксперимент нима бўлибди...

— Фельетончиликда эксперимент қилиб, донг чиқармоқчиман, дегин. Менга барибир-у, аммо лекин...

Ўша дўстим билан орадан бир ҳафта ўтгач яна учрашиб қолдик. У хомуш кўринарди.

— Ҳа, нима бўлди, тинчликми?

— Эксперимент қиламан деб, сал қолди ишимнинг чатоқ бўлишига, — бўлиб ўтган воқеани ҳикоя қила бошлади дўстим.

Ўша куни эртаси у фельетон қаҳрамонини чақирибди. Ўрнидан туриб, кутиб олибди. Ҳолаҳвол сўрашгач, уни бурчакдаги диванга ўтказибди. Икки оғиз кириш сўзи сўзлаб, фельетонни «қаҳрамон»га узатибди.

— Шуни ўқиб чиқиб, тўғринотўғрилигига қўл қўйиб бер сангиз, — дебди.

Қаҳрамон фельетоннинг сарлавҳасини ўқигандаёқ гап нималигига тушуниб, кўли қалтирабди ранги ўчибди. Дўстим ўз жойида ўтириб, унинг қолатини эндан кузатиб турибди. Фельетоннинг даромад қисми ўқилаётганда «қаҳрамон»нинг оқариб кетган юзида гиржайиш пайдо бўлибди. Нарироққа бориб тиржайиш бўзаришга айланибди.

Учинчи варақда «қаҳрамон» ўқишдан ғўхтаб, диванга суянибди. Алланималар деб пичирлабди. Дўстим дарров ўрнидан туриб, графиндан сув қуйиб узатибди. У сувдан ичиб, ўзини бироз босиб олгач, ўқишда давом этибди. Бешинчи варақка борганда, яъни фельетоннинг якунловчи қисмига яқинлашганда, қўлидан қоғоз тушиб кетиб, ўзини диванга ташлабди.

— Ҳай, сизга нима бўлди, ўзингизни тутинг...

«Қаҳрамон» бу гап айтилганда ўзини мутлақо йўқотиб қўйган бўлса керак, бошини қўтариш у ёқда турсин, кўзини ҳам очмабди. Бечора дўстим нима қилишини билмай, коридорга отилибди. Қўшни хонадаги бўлим ходимларидан икки-уч кишини чақириб чиқибди. Улар «қаҳрамон»нинг юзига сув сепишибди. қўлоғини уқалашибди, қани энди кўзини очса! Кимдир:

— «Тез ёрдам»ни чақириш керак, — дебди.

Орадан кўп ўтмай оқ халат, оқ калпоқ кийган врачлар етиб келибди. Улар шошилинч «қаҳрамон»нинг томирини, юрак уришини текшириб кўришибди.

— Бу одамнинг юрак уриши чатоқ, тезда касалхонага элтмасак бўлмайди...

Шу пайт галагоур устига редактор кириб қолибди. У воқеадан бехабар, нима гап деб сўраган экан, бечора дўстим ранги ўчиб:

— Кеча редколлегияда ўқилган фельетонимнинг қаҳрамони, фактлар аниқ бўлсин, деб фельетонни унинг ўзига ўқита қолган эдим...

— Ҳмм... — Редактор ажабланган кўйи, ўсал бўлиб қолган «қаҳрамон»ни олиб чиқиб кетаётган кишилар орқасидан қараб қолибди.

— Хўш, охири нима билан тугади, — сўрадим дўстимдан.

— Жуда қизиқ, огайни! Ҳозир касалхонадан келяпман, врачлар билан гаплашдим. Уларни ўша куниёқ воқеадан хабардор қилган эдим. «Қаҳрамоним» жуда устаси фаранг экан, кўрқманг, фельетонингизни чиқартираверинг, унга жин ҳам урмайди, дейишди врачлар.

— Ундан чиқди, эксперименттинг...

— Ҳа энди, биринчи тажрибада унча-мунча камчилик бўлиши мумкин. Бу ёғига пишиқ бўламиз.

— Навбатдаги фельетонингни «қаҳрамонинг»га врачлар ҳузурида ўқиб бераркансан-да...

— Бир йўли топилиб қолар, — дўстим кулимсиради.

Мен ҳам шундан кейин дўстимнинг тажрибасини қўллаб кўрсаммикин, деган фикрни кўнглимдан ўтказдим.

С. МАҲКАМОВ.

РАССОМ ХАНДАСИ



— Бунингиз ҳўрда эмас, ариқдаги сув-ку?!

— Ариқдаги эмас, водопроводдан ва бунинг устига қайнатилган, яхши ёнгит!...

ЎҚИТУВЧИ: — Сандвақос ҳисобли жуда яхши билади, сен эса...

ЎҚУВЧИ: — У писта сотаверib ҳисобга уста бўлиб кетган-да!

— Офтоб ҳам ботай деб қолди, оғанғдан ҳанузгача дарак йўқ!..

А. Ҳолиқов расмлари.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

10.35 — **Кўрсатишлар программаси.**

Ўзбек тилида: 11.00 — **Шанба, нонуштадан сўнг.** 11.35 — **Ҳўжа Насриддиннинг 12 қабри** (бадиий фильм).

13.00 дан — **Москва кўрсатади.**

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

16.55 — **Кўрсатишлар программаси.**

Ўзбек тилида: 17.00 — **Қизил галстук** (тележурнал), 17.40 — **Телеянгиликлар ва декада кундалиги** (рус тилида). 17.55 — **Студентлик — олтин даврим** («Ёшлик» студияси), 18.45 — **Қозоқ шоирлари — студия меҳмони.**

Рус тилида: 19.05 — **Оқ йўл** (телефильм премьераси). 19.35 — **Ҳаво сотувчи** (телевизион бадиий фильмнинг 1 ва 2-серияларя).

Ўзбек тилида: 21.15 — **Узбек ипаги,** 21.30 — **Телеянгиликлар ва декада кундалиги,** 21.45 — **Уйғур ансамблининг концерти.**

22.30 дан — **Москва кўрсатади.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

15.00 дан — **Москва кўрсатади.**

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

22.30 — **Шанба, нонуштадан сўнг** (такрорий эшиттириш).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — **Дўшанба кўрсатади.**

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 19.45 — **Африка озодлиги кунига бағишланган эшиттириш.** 20.05 — **Хасан арабанаш** (бадиий фильм), 21.25 — **Концерт.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 25/V да **Ўзбекистонда тожик санъати декадаси — балет кечаси.**

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

— 25/V да **Ўзбекистон эстрада оркестри концерти.** Концертда Ботир ЗОКИРОВ, Луиза ЗОКИРОВА ва бошқалар қатнашадилар.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Сиртаки — «МОСКВА», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 7, 9 ва 10-40 минутда), «ЧАЙКА» (эрталаб 11.45 минут, кундуз 1 ярим ва 3-15 минутда).

Чехча қотиллик — «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун), «ВОСТОК» (эрталаб соат 10, кундуз 2, кеч 6 ва 10 да), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз 1, 3 ва 5 да).

Аловуддиннинг сеҳрли лампаси (эрталаб соат 10 да), **Андромеда туманлиги** (кундуз ва кечқурун) — САНЪАТ САРОЙИ.

Монпарнас, 19 — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Кул остидаги чўғ — «ЧАЙКА» (кундуз соат 5, кеч 6-45 минут, 8 ярим ва 10 да).

Қизил мантия — «ВОСТОК» (кундуз соат 12, 4 ва кеч 8 да).

ЕЗГИ БИНОДА

(кеч соат 8 ва 10 яримда бошланади)

Сергей Лазо — НАВОИЙ номли. **«Буланна» пансиони** — «РАКЕТА».

ТОШКЕНТ ТИКУВЧИЛИК ФАБРИКАСИГА

тикувчи-мотористкалар, тикувчиларга шогирдлар 3—4 разрядли электр монтерлари, 4—5 разрядли қирқувчилар, «ГАЗ-52» автомашинасига шоферлар, юнчилар, бичувчилар,

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, 9-Январь кўчаси, 122-уй, кадрлар бўлими (11, 12, 14, 15, 15«а», 27, 34, 48; 51-автобуслар, 2, 3, 6, 7, 17-троллейбусларнинг «Комсомол кўли» бекати).

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ «УЗОБУВЬТОРГ» САВДО БАЗАСИГА

сифат бўйича товаршунос- бракёр, бухгалтерлар, омборчи, қабул қилувчи, сараловчи (хотин-қизлар), **ювчилар.**

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Б. Хмельницкий кўчаси, 6-уй (2, 3, 6-троллейбуслар, 80, 83-автобусларнинг «1-пойафзал фабрикаси», 9, 11, троллейбуслар, 24-автобуснинг «17-поликлиника» бекатлари).

Тошкент шаҳар ижроия комитети

МАИШИЙ ХИЗМАТ БОШҚАРМАСИНИНГ ЎҚУВ КОМБИНАТИГА

фото ишига усталар тайёрлаш бўйича ишлаб-чиқариш таълимига ўқитувчи ва уста

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Кисловодский кўчаси, 80-уй, кадрлар бўлими.

УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ 2 АВТОРЕМОНТ ЗАВОДИГА

4,5 разрядли жилоловчилар, 4,5 разрядли слесарлар, металлни ярим автомат пайвандлаш учун эритувчилар, 4, 5-разрядли токарлар

КЕРАК

Қабул қилинганлар бир йиллик муддатда квартира билан таъминланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Чехов кўчаси, 18-уй, кадрлар бўлими.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 08441. ИНДЕКС — 64697. № Б — 1869.